

ЎЗБЕКИСТОН ОЎЮ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МУТАХАСИСИЛКЛАРИ КЛАССИФИКАТОРИ АСОСИДА АХБОРОТ ҚИДИРУВ МОДУЛИ ЯРАТИШ

Каримов У.У.

Мақолада турли тизимларда статик маълумотномаларни шакллантириши усуллари таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистон ОЎЮ таълим йўналишлари ва мутахасисилклари классификатори асосида ахборот-ресурс марказларини автоматаштирилган тизимининг ахборот қидирув модулини яратиш кетма кетлиги келтирилган.

Калим сўзлар: электрон кутубхона, классификатор, таълим йўналишлари, ARMAT

CREATION OF INFORMATION RETRIEVAL MODULE BASED ON THE CLASSIFIER OF EDUCATIONAL AREAS AND SPECIALTIES OF UNIVERSITIES IN UZBEKISTAN

Karimov U.U.

The article describes a comparative analysis of the formation of static directories and the sequence of creating an information search module based on the classifier of educational areas and specialties of universities in Uzbekistan.

Keywords: e-library, classifier, educational areas, ARMAT

Кириш

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини бажариш юзасидан ва олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълимнинг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш, жаҳон таълим тизимига қўшилиш, шунингдек олий таълимнинг ўқув-методик ва норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 16 августда “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 343-сон қарор қабул қилган. Ушбу қарор асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисилклари классификатори ишлаб чиқилиб тасдиқланган.

Ҳозирги кунда, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетети ва минтақавий филиаллари Ахборот-ресурс марказлари ARMAT++ дастури асосида (<http://armat.tuit.uz>) корпоратив кутубхона тармоғи ташкил этилиб, унда ахборот коммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларга оид ахборот ресурсларининг копоратив электрон кутубхонаси маълумотлар базаси шакллантирилмоқда. ARMAT++ дастури асосида университетнинг 5 нафар худудий филиаллари ARMATлари ишламоқда. Йиғма электрон каталог таркибига 5500 дан ортиқ библиографик ёзувлар киритилган. Библиографик ёзувларни киритишда маълумотномалардан фойдаланиш муҳим

аҳамият касб этади. Шундай экан, автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида маълумотномалар яратиш ва ундан фойдаланиш долзарб вазифалар қаторига киради.

Муҳмад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети бир гурух илмий тадқиқодчилари Ўзбекистон ОЎЮ таълим йўналишлари ва мутахасисиликлари классификатори асосида ахборот қидирав модулини яратиб ARMAT++ дастурига интеграциясини амалга оширилар.

Мақолада ёритилган тадқиқод натижалари ахборот кутубхона тизимларида турли шаклдаги маълумотномаларни шакллантиришинг халқаро тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон ОЎЮ таълим йўналишлари ва мутахасисиликлари классификатори асосида ахборот қидирав модули яратиш усларидан олинган.

ИРБИС тизимининг маълумотномаси

Ёзувлар ЭКга киритилаётганда автоматик тарзда маълумотнома яратилади ва у турли маълумотлар элементи бўйича библиографик тасвирга тезликда эга бўлишни таъминлайди. Бу маълумотлар элементлари қуидагилардир:

- Библиографик маълумотлар элементи бўйича - Луғатлар: «Заглавие», (Сарлавҳа), «Авторы», (Муаллифлар), «Коллективы», (Жамоалар) ва «Издающие организации», (Нашр этувчи ташкилотлар) ва бошқалар.
- Тизимлаштириш ва предметлаштириш бўйича – Луғатлар: ГРНТИ Рубрикатори, УДК, ББК индекслари, Предмет ва Географик руқнлар, Нашриёт индекси ва бошқалар.
- Кодлаштирилган маълумотлар элементи бўйича – Луғатлар: мамлакатлар, тиллар, мақсадли йўналтириш, хиллар, кўринишлар, хужжат характеристи, физик ташувчи ва бошқалар (барча луғатлар кодларни тушунтириб берувчи матнлар билан берилган).
- Технологик маълумотлар элементи бўйича – Луғатлар: нашрнинг сақланиш жойи ва шифри. Киритилган сана ва бажарувчининг исми-шарифи ва бошқалар.

Булардан ташқари очқич сўзлар луғати ҳам яратилади ва унга библиографик маълумотлар элементларидан, аҳамиятли сўзлар, «Аннотация» ва «Общие примечания», (Умумий илова) майдонларидағи маҳсус ажратилган сўзлар автоматик тарзда киритилади. Бу луғатга «Свободного индексирования», (Эркин индекслаш) майдонидаги очқич сўзлар ва дескрипторлар майдонидаги сўзлар (тезауруслардан фойдаланган ҳолда) ҳам киритилади.

MARC SQL тизимида маълумотномалар

MARC SQL тизимининг «Администратор» модулида маълумотномалар, руқнлар, таснифлагичлар, тезауруслар яратилади ва ундан “Каталогизатор” модули орқали фойдаланилади.

«Ctrl+Enter» тугмаларини биргалиқда босганда ахборотларни луғатлардан ва киритишнинг маҳсус формаларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Созлагичларга боғлиқ равишда меню фарқ қилиши мумкин (созлагич файлы **EditMap.ini**). Одатда менюда учта манба келтирилади:

- Луғатлар
- Тезауруслар
- Авторитет файллар

Индикатор қийматини ўзгартириш учун, унга икки марта чертиш ёки «Enter» тугмасини босиш керак. Таклиф қилинаётган рўйхатдан кераклиси танланади ва шу тартибда тизим маълумотномасидан фойдаланилади.

RUSLAN тизимида маълумотномалар

RUSLAN тизими маълумотномалардан фойдаланиш ва яратища бошқа тизимлардан фарқли равища кўп аспектли технологиядан кенг фойдаланган:

- Тизимлаштириш ва предметлаштириш бўйича – Луғатлар: ГРНТИ Рубрикатори, УДК, ББК индекслари, Предмет ва Географик рукнлар, Нашриёт индекси ва бошқалар.

- Кодлаштирилган маълумотлар элементи бўйича – Луғатлар: мамлакатлар, тиллар, мақсадли йўналтириш, хиллар, кўринишлар, хужжат характеристи, физик ташувчи ва бошқалар (барча луғатлар кодларни тушунтириб берувчи матнлар билан берилган).

- Библиографик маълумотлар элементи бўйича - Луғатлар: «Заглавие», (Сарлавҳа), «Авторы», (Муаллифлар), «Коллективы», (Жамоалар) ва «Издающие организации», (Нашр этувчи ташкилотлар) ва бошқалар.

- Технологик маълумотлар элементи бўйича – Луғатлар: нашрнинг сақланиш жойи ва шифри, киритилган сана ва бажарувчининг исми-шарифи ва бошқалар.

Таҳлил натижалари

Таҳлил натижалари шуни кўрсатади-ки, юқорида санаб ўтилган тизимларнинг ижобий томонларидан бири, бу - умумий сарлавҳага эга ёки эга бўлмаган журнал ёки тўплам алоҳида сонларининг «Оглавление» (Мундарижа) майдонидаги маълумотларини луғатда акс этиши ва улар орқали хужжатга киришини таъминлаштириб. Мақолаларнинг барча муаллифлари (3 та муаллифгача) ва бу майдонга киритилган сарлавҳа унга мос луғатга автоматик тарзда киритилади. Сарлавҳадаги алоҳида сўзлар очқич сўзлар луғатига киритилади. Ҳар бир мақолага қўшимча тарзда «ненормированные» (мейёrlашмаган) очқич сўзлар ва нашриёт индекси ҳам киритилиши мумкин. Тизимнинг бундай ташкил қилиниши луғатга бир маротаба мурожат қилиш орқали бир муаллифнинг барча асарларини, автордошлиқда бажарилган ишларини ёки у муҳаррирлик қилган ишларни ёки унинг ўзи тўғрисидаги турли физик ташувчиларда жойлашган маълумотларни топиш имкониятини яратади. Қидиувнинг қўшимча воситалари «Поиск по связи» (Боғланиш бўйича қидиув) орқали амалга оширилади. Бунда муаллифнинг бир мавзуга боғлиқ бошқа ишларини ёки бирор анжуманга тегишли қатор материалларни, журналнинг бир сонига тегишли барча мақолаларни топиш мумкин бўлади. Булардан ташқари “асосий хужжат” ва “илова”, “тақриз” ва “тақриз ёзилган хужжат” орасидаги боғланиш орқали ҳам қидиувни бажариш мумкин.

Тизимлар, алоҳида олинган лугатлардан ташқари бул операцияларидан фойдаланган ҳолда бир неча лугатларни ишлатиб комплекс қидирув бажариши мумкин. Тизим Авторитет файллардан фойдаланиб қидирув бажариши (ва ахборот киритиши) мумкин.


Фойдаланувчи маълумотлар базаси билан иш бошламай туриб, тизимдаги бир қатор маълумотномаларни ўз талабига мослаштириши мумкин. Масалан, «канал поступления» (хужжатларни кутубхонага келиб тушиб канали), «Место хранения» (Сақлаш жойи), «ФИО исполнителей» (Бажарувчилар фамилияси, исми, шарифи) ва фойдаланувчи тўғрисидаги бир қатор маълумотномаларни аввалдан киритиб қўйиши мумкин.

Тизимларнинг электрон каталогида ахборотларни ифодалаш формати сифатида UNIMARC ва MARC21 халқаро коммуникатив форматлари олинган. Шу туфайли ҳам тизим маълумотлар базасини, MARC форматлар оиласига мансуб форматларга эга бўлган бошқа ахборот тизимларига конвертация қилиши мумкин. Аммо юқорида санаб ўтилган тизимларнинг маълумотномаларида миллий характерга эга маълумотларни акс эттириш имонияти мавжуд эмас ва аксарият маълумотномалар тизимни ишлаб чиқаришга буюртма берган ташкилотларда сақланадиган хужжат характерига асосланиб шакллантирилган. Ўзбекистон ОЎЮ таълим йўналишлари ва мутахасисиликлари классификатори каби иерархик маълумотномаларни яратиб базасини шакллантириш имконияти мавжуд эмас.

Ўзбекистон ОЎЮ таълим йўналишлари ва мутахасисиликлари классификаторини шакллантириш усули

Қўйида ARMAT++ дастурида иерархик маълумотнома яратиш усули ва кетма-кетлиги тасвирланган.


ARMAT++ дастурини ишга туширамиз ва унинг бош саҳифасидаги “Логин” майдонига “cat” “парол” майдонига “1” қийматларни киритиб “Кириш” тутгасини чертамиз (1-расм).



The screenshot shows the Armat++ - MBBLLine login interface. At the top, there is a header bar with the title and language selection buttons for Russian, English, Uzbek Latin, and Kazakh. Below the header is a search bar and a navigation menu. The main area is a login form titled "- Armat++ - MBBLLine". It contains two input fields: one for the username ('cat') and one for the password ('.'). There is also a checkbox for 'Remember me'. At the bottom of the form are two buttons: 'Login' and 'Login with ID.uz'. Below the form, there are links for 'Registration' and copyright information: 'copyright © 2014-2017 TUIT [MBB Bahodir]'

1-расм. ARMAT++ дастурининг бош саҳифаси

Натижада ARMAT++ дастурининг Каталоглаштирувчига мўлжалланган автоматлаштирилган иш ўрнига кирамиз (2-расм).



2-расм. Маълумотномалар бўлимига кириш

Бу ердаги “Маълумотномалар” бўлимига ўтамиз. Бунинг учун интерфейснинг чап томонидаги “Маълумотномалар” бўлимига сичқонча билан чертамиз. Натижада қуидагига эга бўламиз (3-расм). Бу ердаги “Шакли” бўлимидан “Шажарали” танланади (4-расм)

Номи	Шакли	Identity	Яратувчи
	Mustaqil O'zgarmas O'zgaruvchan Shajarali		Admin Admin Admin
Til			Умумий

3-расм. Маълумотномалар рўйхати

Номи	Шакли	Identity	Яратувчи
Fanlar	Shajarali		Умумий
ITAR	Shajarali		Умумий

4-расм. Маълумотномалар рўйхатидан кераклисини танлаш

“Юқоридаги 4-расмдаги “Құшиш” тұгмасини сичқонча билан чертиш орқали янги таълим йұналиши ёки мутахассислик номини құшиш имконияти яратилади (5-расм).

The screenshot shows a web-based form titled 'Янги маълумотнома құшиш' (New information form submission). On the left, there is a vertical sidebar with a list of menu items: Шахсий кабинет, Фондлар, Маълумотномалар, Каталоглаштириш, Электрон каталог, Университетта тегишли маълумотлар, Фойдаланувчилар, Импорт и Экспорт, Электрон нусхасига буюртма, and Буюртмаларни. The main form area has fields for 'Номи *' (Name *), 'Номи (Ru) *' (Name (Ru) *), 'Номи (Us) *' (Name (Us) *), 'indentity' (Identity), 'Шакли' (Type) set to 'Mustaqil', and 'Тобелиги' (Category) set to 'Yo'q'. There are two buttons at the bottom: 'Құшиш' (Submit) and 'Тозалаш' (Clear). A blue button 'Маълумотномалар рўйхати' (List of information forms) is located in the top right corner.


5-расм. Таълим йұналиши ёки мутахассислик номини құшиш

Таълим йұналиши ёки мутахассислик номини тегишли майдонларга ўзбек, рус ва инглиз тилларда киритамиз (6-расм).

This screenshot is identical to the one above, but the text entered in the fields is now in Cyrillic. The 'Номи *' field contains '5А140601 - Иқтисодий ва ижтимоий география (ўрга-...)', the 'Номи (Ru)' field contains '5A140601 - Иқтисодий ва ижтимоий география (ўрга-...)', the 'Номи (Us)' field contains '5A140601 - Иқтисодий ва ижтимоий география (ўрга-...)', the 'indentity' field contains '50140601', the 'Шакли' field contains 'Shajarali', and the 'Тобелиги' field contains '140 000 - Табиий фанлар'.

6-расм. Таълим йұналиши ёки мутахассислик номини киритиш

Таълим йұналиши ва мутахассислик номини у тобе бўлган билим соҳаси ва таълим йұналишига оидлигини кўрсатиш қуидаги амалга оширилади (7-расм). “Шакли” майдонидаги менюдан фойдаланилади. “Шажарали” ўрнатилгач, Тобелиги майдонига майдоннинг ўнг томонидаги тугмачани чертиб у тобе бўлган “Табиий фанлар” танланади.



7-расм. Таълим йўналиши ёки мутахассислик номини билим соҳасига боғлаш

Барча майдонлар тўлдирилгач “Қўшиш” тугмаси чертилади ва ишни давом эттириш учун “Қўшиш” тугмаси чертилади (6-расм). Натижада ARMAT++ дастурида каталоглаштириш қоидаларига мос келувчи стандарт маълумотномалардан ташқари фойдаланувчига қулай бўлган ихтиёрий шаклда маълумотнома яратиш мумкин.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин-ки, фойдаланиш нуқтаи назардан географик қамрови жуда катта бўлган тизимларнинг маълумотномалари универсал кўринишга эга. Аммо ушбу тизимлар маълумотлар базасига киритиладиган ҳужжатлар миллий характерга эга бўлган классификаторлар ёрдамида индекслаш имконияти мавжуд эмас. Демак, ахборот кутубхона фаолиятини автоматлаштириш ҳамда, фойдаланувчига қулай усуlda ахборот кутубхона хизматини ташкил этиш мақсадида, миллий классификаторлар яратиш, имконияти чекланмаган ахборот кутубхона тизимларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.